

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ИЖТИМОЙ СОҲАЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Кариева Халима Икрамжановна СамИСИ “Жисмоний
маданият” кафедраси катта ўқитувчиси

Тел: 91 551-35-10

Аннотация: Мақолада иқтисодиёт соҳасини ривожлантириш ва иқтисод соҳасига оид ижтимоий тармоқлар (тиббиёт, хизмат кўрсатиш, таълим муассасалари) мисолида келтириб ўтилиб, иқтисодиётнинг бош масаласи, шунингдек, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши “Ҳаракатлар стратегияси” ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилган. Шунингдек, мақолада ижтимоий фаоллик хусусида ҳам фикр юритиб ўтилган бўлиб, жамиятимизда рақобатбардош кадрларни тайёрлашда ижтимоий фаолликнинг зарур омиллари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, иқтисодиёт, иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳимоя, соғлом турмуш тарзи, жисмоний фаоллик, ижтимоий инфратузилма, тиббиёт, аҳоли саломатлиги, ижтимоий тармоқлар, иқтисодий тизим, ижтимоий фаоллик.

Мамлакатимиз бугунги кунда иқтисодиёт соҳасини янада жадаллаштиришда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришдаги аҳамияти ўзига хос тарзда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Бу борада, айниқса, хизмат кўрсатиш, таълим соҳалардаги ўзгаришлар мисолида кўриб ўтишимиз мумкин. Айниқса, таълим соҳаси иқтисодий тизимни янада ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этиб, ўрта таълим, олий таълим тизимлари фаолияти, ўқитиш тизими, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда етакчи ўринга эга бўлиб бормоқда.

Юртимизда таълим соҳасини, тиббиёт соҳаси, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш, ушбу соҳаларда етук, салоҳиятли кадрларни тайёрлаш тизимини янада кучайтириш мақсадида, замонавий ўқув адабиётларининг яратилиши, таълим муассасаларида моддий-техник база билан таъминланиши келгусида ижтимоий соҳаларни ривожланиши ҳамда келгусидаги кадрларни халқаро стандартларга мос ҳолда тайёрлашда қўл келмоқда.

Иқтисодиёт чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, инсонлар учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қаратилган ва етказиб беришга қаратилган ва чамбарчас боғлиқликда амал қиладиган фаолиятлар бирлигини таъминловчи иқтисодий тизим. [1.]

Иқтисодиётнинг домий ва бош масаласи эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир.

Иқтисодиёт, ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги [2.] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси кабилар ҳамда ижтимоий соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, айниқса, тиббиёт, фан, таълим тизимини янада ислоҳ қилиш мақсадида бир қанча амалий ишларнинг амалда тадбиқ этилиши аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Аҳоли бандлиги ва реал даромадларни изчил ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш тизими орқали амалга оширилаётган ислохотлар бугун жамиятимизда ўз ўрнига эга бўлган иқтисодий, ижтимоий соҳани ривожлантириш жараёнини янада такомиллаштиришда ўз самарасини бермоқда. Бу борада ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида арзон уй-жойларни барпо этиш, аҳолининг ҳаёт шароитларини яхшилаш борасида амалий ишлар тўла –тўқис амалда ўз тасдиғини топмоқда.

Юқоридагилар бўйича ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Қарорининг қабул қилиниши белгиланган вазифалар доирасида аҳоли билан ишлаш, маҳалла, мактаб ва булар юзасидан жойларда тарғибот дастурларининг олиб борилаётгани айтилиши давлатимиз зиммасидаги масъулиятли вазифалар ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада

ривожлантириш тизимида соғлиқни сақлаш тизimini такомиллаштириш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сисий фаоллигини ошириш, камбағалликни камайитириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича чекка ҳудудларда ишлаб чиқилган тарғибот дастурлари юзасидан аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлаш, камбағалликни олдини олиш бўйича маҳалла фаолияти билан танишиш, мактаб, маҳалла, олий таълим тизимлари билан узвий алоқада ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда.

Ҳар бир киши соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг жуда оддий услубини билиш лозим. [3.]

Аввало, қайси касб эгаси, ким бўлишимиздан қатъий назар инсон сифатида шахсий ва жамоа гигиенаси қоидаларига эътибор қаратишимиз лозим. Кун тартибига риоя этишимиз, айниқса, кун давомида зарарли одатлардан тийилишимиз керак. Кераклича меҳнат қилишимиз, жисмоний тарбия машқларини кун мобайнида бажаришимиз, руҳий хотиржамлигимиз ҳам инсон саломатлигида, жамиятимизда соғлом муҳитни етиштиришда ўзига хос омил ҳисобланади.

Инсоният тиббий маданиятсизлик оқибатида соғлигида турли хил муаммоларга дуч келиши мумкин. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантириш мақсадида ҳудудларда спорт тўғарақлари ўз фаолиятини бошлаган. Жисмоний фаоллик, шунингдек, соғлом –турмуш тарзининг ҳар бир йўналиши инсон саломатлиги учун унинг келажакдаги соғлом муҳитни шакллантиришдаги энг асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Жамиятимизда соғлом муҳитни яратиш, иқтисодий ўсиш тизimini ривожлантириш, ижтимоий соҳани жадаллаштириш кишидан ижтимоий фаллик зарур ҳоллардан бири ҳисобланади.

Ижтимоий фаоллик-шахс фаолитининг муҳим томонларидан бири ҳисобланиб, у шахснинг сиёсий ва ахлоқий ўзликни ангашига асосланган бўлиб, жамият ва жамоат ишларидаги иштирокида намоён бўлади. Шунингдек, ижтимоий фаоллик орқали жамият ривожланиб боради, етук салоҳиятли кадрлар даражаси янада ортиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Тошкент ахборот технологиялари университети. Қарши филиали
Х.Ж.Рўзиев “Иқтисодиёт назарияси” (Маърузалар матни). Қарши -2014
й.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ -
5953-сон Фармони

3. О.Рахимов .Шифокор ва ҳаёт газетаси 2018 йил 13 -сентябрь